

Сандаҳмадхон Саматхонович ҒАЙБУЛЛАЕВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч
докторанти
email: Gaybullayev1989@Mail.Ru

“УСУЛ АЛ-ПАЗДАВИЙ” АСАРИНИНГ ТОШКЕНТ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

ТАШКЕНТСКИЕ РУКОПИСИ ПРОИЗВЕДЕНИЕ “УСУЛ АЛЬ- ПАЗДАВИЙ”

TASHKENT MANUSCRIPT OF “USUL AL-PAZDAVIY” WORK

Аннотация: Мақолада Фахрул-ислом Паздавий қаламига мансуб фикҳнинг назарий асослари соҳасида машҳур бўлган “Усул” асари ва унинг қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот берилган. Асарнинг Тошкент кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмалари ва уларнинг дунё китоб фондларидаги нусхаларидан фарқлари, афзалликлари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, асарнинг соҳадаги кейинги давр адабиётларига таъсири ва ҳозирги кунги аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Паздавийлар сулоласи, фақиҳ, фикҳ, усул ал-фикҳ, қўлёзма, ханафий, қози, шарҳ.

Аннотация: В статье представлена информация об известном в области теоретических основ правоведения произведении «Усул аль-Паздави» и его рукописях, написанных Фахрул-Исламом Паздави. Отмечены отличия и преимущества рукописей произведения, хранящихся в библиотеках Ташкента, от других экземпляров в мировых книжных фондах. Также обсуждается влияние работы на литературу более позднего периода в этой области и ее текущее значение.

Ключевые слова: Династия Паздави, факих (юрист), фикх (исламское право), усул ал-фикх, рукопись, ханафи, судья, комментарий.

Annotation. The article provides the information about Fakhrul-islam Pazdavi's book “Usul” which is famous in the science of usul al-fiqh and its manuscripts. The differences and advantages of the manuscripts of the work kept in Tashkent libraries from other copies in the world book funds have been noted. The impact of the work on the literature of the later period written in the sphere and its current significance have been also discussed in the article.

Key words: Pazdawi's a lawyer, fikh (islamic law), usul al-fikh (islamic legal theory), manuscripts, hanafi, qadi (judge), comment.

КИРИШ

Муқаддас ислом динининг асл моҳиятини теран англаш ва алломаларимиз қолдирган бой илмий меросни ўрганишда фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) фани ва унинг назариялари, далиллари соҳаси – “усулул фикҳ” (фикҳ асослари) илмини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тадқиқотчилардан катта билим, матонатни талаб қилади.

Ислом фикҳига оид буюк асарлар муаллифи Фахрул-ислом Абул Ҳасан Алий ибн Муҳаммад Паздавий (1009-1089) машҳур Паздавийлар сулоласининг йирик вакилидир. Отаси Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулкарим Паздавий ҳам етук фақиҳ бўлиб, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг қозиси сифатида фаолият юритган[1: 46]. Катта бобоси Абдулкарим Паздавий (912-999) эса Абу Мансур Мотуридий (870-944)нинг яқин шогирди бўлгани ва устозидан Абу Ҳанифанинг “ал-Олим вал-мутаъаллим” асарини ривоят қилгани манбаларда қайд этилган[2: 22]. Фахрул-ислом отаси Муҳаммад ибн Ҳусайн орқали катта бобоси Абдулкарим Паздавийдан ҳадис ривоят қилганини Умар Насафий (ваф. 537/1141) ўзининг “Китоб ал-қанд” асарида нақл қилади[3: 415]. Фахрул-исломнинг укаси Абул Йўср Муҳаммад Паздавий (1030-1099), фарзанди Абу Собит Ҳасан ибн Али Паздавий (ваф. 1155 й.) ва жияни Абул Маъолий Аҳмад ибн Муҳаммад Паздавий (ваф. 542/1146 й.)лар ҳам ўз даврининг етук олимлари бўлиб, фикҳ ва ақидага оид бир неча асарлар таълиф этишган ҳамда турли даражадаги қозилик вазифаларида фаолият юритишган.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Паздавий” нисбаси эса Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳридан олти фарсах (тахминан 30 км) узоқликда Бухорога кетиш йўлида жойлашган “Пазда” ёки “Базда” қалъаси номи билан боғлиқ. Тарих фанлари доктори Ш.С.Камолиддин қайд этишича, X-XI асарларда Пазда шаҳри маданий, иқтисодий томондан ривожланган бўлиб, Насафнинг асосий шаҳарларидан бири эди. Кейинчалик мўғуллар истилосидан

сўнг шаҳар бутунлай вайронага айланган[4: 220]. Профессор У.Уватов Пазда шахри ҳозирги Қашқадарё вилоятига қарашли Касби туманидаги Фазли кишлоғи ҳудудига тўғри келишини таъкидлайди[5: 201].

Фахрул-ислом таълимни отаси Муҳаммад кўлида бошлаган. кейинчалик Самарқанд ва Бухородаги илмий даргоҳларда кўп сонли, етук устозлардан дарс олган бўлсада манбаларда улардан Шамсул-аймма Абдулазиз ибн Аҳмад Ҳалвоий Бухорий (ваф. 452/1060 й.), Абу Ҳафс Умар ибн Мансур Ҳаноби Бухорий ал-Баззоз (ваф. 460/1068 й.), Абул Валид Ҳасан ибн Муҳаммад Балхий Дарбандий (ваф. 456/1064 й.) номларигина зикр этилади[6: 489].

Паздавийнинг фикҳ, тафсир ва калом илмига бағишлаб ёзган асарларидан ҳозирга қадар ўн еттitasi аниқланган ва улардан бизгача ўн биттаси етиб келган[7: 54]. Айтиш керакки, уларнинг аксари ҳалигача қўлёзма ҳолида қолмоқда.

“Усул ал-Паздавий” номи билан машҳур бўлган **“Канзул вусул ила маърифати-л-усул”** номли асар муаллиф Паздавийнинг шох асари бўлиб, олим номини бутун дунёга танитди. Сабаби асарда муаллиф давригача усул ал-фикҳга оид юзага келган барча масалалар, қарашлар ҳулосаси жамланган ва фаннинг мавзулари тизимли равишда тартибга солинган бўлиб, унда келган малумотлар усул ал-фикҳ бўйича энг тўғри ва якуний ҳулоса сифатида қабул қилинган ва Фахрул-ислом Паздавий, унинг замондошлари Абу Зайд Дабусий (ваф. 1038 й.), Шамсул-аймма Сарахсий (1009-1090) ҳанафий усул ал-фикҳининг “уч устун”и (арконус саласа) дея этироф этилган[8: 16].

“Усул ал-Паздавий” ўн асрдан бери усул ал-фикҳ фанининг асосий манбаларидан бири сифатида ўрганилгани сабаб, уни шарҳлаш ва изоҳалаш асосида юздан ортиқ асарлар ёзилган[9: 198]. Котиб Чалабий (ваф. 1068/1658 й.) ҳам ўзининг машҳур “Кашфуз-зунун” асарида: **“Усул ал-Баздавий” ўзида қимматли малумотларни жамлаган, муҳим манба бўлиб, фақиҳлар унга шарҳ ёзишда гўё мусобақа қилишган**” дейди яқин[10: 113].

Шунингдек, асарнинг қўлёзма нусхалари ҳам дунё бўйлаб кенг тарқалган. Ғарб олими Карл Брокелман асарнинг ҳозирда Осиё,

Шимолий Африка ва Европа мамлакатларининг йирик китоб фондларида сақланаётган йигирма бешта қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот келтирган[11: 289]. Тошкентдаги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида ҳам асарнинг 3 та қўлёзма нусхалари сақланаётган бўлса[12: 187-88] Ўзбекистон Мусулмонлар идораси кутубхонасида 1 та нодир қўлёзма нусхаси мавжуд.

Шарқшунослик институтининг асосий фондида № 4739 тартиб рақам билан сақланаётган “Усул ал-Паздавий” қўлёзмаси котиб Шамс ибн Устод Хурдак ал-Хаффий томонидан ҳижрий 776 йил Рамазон (мелодий 1375 йил феврал) ойида кўчириб тугатилган. Қўлёзма араб тилида бўлиб, “Бисмиллоҳ”дан сўнг, “الحمد لله خالق النسم ورازق القسم” (*Ҳамд Аллоҳга бўлсин, у ҳалойиқни яратувчи ва уларга ризқ улашувчидир*) деган жумлалар билан бошланган. Қўлёзманинг 1-а саҳифасида мундарижаси берилган бўлиб, мундарижа **“انواع العلوم”** - “Анвоул улум” (Илмлар навлари) мавзуси билан бошланиб, **“باب الاهلية”** - “Бобул аҳлия” (Аҳлият боби) мавзуси билан якунланган. Нусха тўлиқ ҳолатда сақланган бўлиб, ҳажми 17,5x28 см ўлчамдаги 238 варақдан иборат. Кўпгина саҳифаларга **“وقف از كتب خواجه محمد بارسا”** - “Вақф аз кутуби Хожа Муҳаммад Порсо” (“Хўжа Муҳаммад Порсонинг кутубхонаси вақфидан”) ёзувли муҳр қўйилгани ва муҳрда 1255/1839 йили қайд этилганини кўриш мумкин. Маълум бўладики, қўлёзма 1255/1839 йили машҳур кутубхона Хўжа Муҳаммад Порсо таркибида бўлган. Қўлёзманинг сулс хатида кўчирилган, бобларга сарлавҳа қўйилмай, нисбатан каттарок ҳарфлар билан ажратилган ва хошияда асарнинг машҳур шарҳи “Кашфу-л-асрор”дан олинган иқтибослар мавжуд[13: 238].

Иккинчи нусха институтнинг асосий фондида № 3112 тартиб рақам билан сақланади. Ушбу нусха нуқсонли бўлиб, **“باب المعارضة”** - “Бобул муораза” (Муораза боби) мавзуси билан якунланган, яъни асарнинг охиридан ўнта мавзу мавжуд эмас ва шу сабабдан нусха кўчирувчи котиб исми ва кўчирилган сана ҳам маълум эмас. Аммо манбашунослик таҳлили орқали қўлёзмани XIV асрга оид эканини тахмин қилиш мумкин. Қўлёзма араб тилида,

сулс хатига ўхшаш қадимий насх хатида кўчирилган, боб сарлавҳалари ва унга кириш қизил сиёҳ билан ажратиб ёзилган. Асарнинг дастлабки икки варағида мундарижа берилган. Нусханинг тўлиқ бўлмаган ҳажми 17,5х27.5 см ўлчамдаги 291 варақдан иборат. Ушбу нусхада ҳам, аввалгисида кузатилганидек, кўп саҳифаларда “وقف از كتب خواجه محمد بارسا ابن محمود” – “Вақф аз кутуби Хожа Муҳаммад Порсо ибн Маҳмуд ал-Бухорий” (Жожа Муҳаммад Порсо ибн Маҳмуд ал-Бухорийнинг кутубхонаси вақфидан) ёзуви муҳр учрайди. Манбанинг қурт ейиши ва намлик сабаб зарар етган саҳифалари тузатилиб, умумий таъмирланган[14: 291].

Учинчи нусха ҳам институтнинг асосий фондида № 1397 тартиб рақам билан сақланади. Унинг ҳажми 18х91 см ўлчамдаги 282 варақдан иборат. Қўлёзма қадимий сарғиш шарқ қоғозида сулс хатида кўчирилган. Унинг 277-281 саҳифалари кейин қўшилгани сабаб бошқаларидан фарқланиб туради. Манбанинг 15 ва 274-276 саҳифалари намлик сабаб шикастланган ва ёзувлари хиралашган, шунингдек, 127, 128 варағларининг бир қисми мавжуд эмас. Ушбу нусхада унинг котиби ва кўчирилган санаси ҳақида малумот топилмади. Манбашунослик таҳлилидан XIV асрга оид эканини тахмин қилиш мумкин. Қўлёзманинг 1-а варағида “ينسخان داده او غلي خوقندي” – “Юнусхон Дода Муҳаммад ўғли Хўқандий” (Юнусхон Дода Муҳаммад ўғли Хўқандий) ёзуви муҳр мавжуд ва унда 1833/1919 сана қайд этилган. Маълум бўладики, қўлёзма 1833/1919 йили Қўқонлик Юнусхон ўғли билан танилган шахснинг шахсий мулкига оид бўлган[15: 282].

Асарнинг яна бир нодир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг Тошкентдаги Ҳазрати Имом даҳасида жойлашган кутубхонасида № 677 инвентар рақам билан сақланади. Нусханинг 1-а саҳифасида асар ва унинг муаллифи Фахрул-ислом Али Паздавий ҳақида айрим муҳим маълумотлар келтирилган. Асарнинг матни 1-б варақдан бошланиб 346-б саҳифада якунланган. Қўлёзма араб тилида, таълиқ хати элементлари билан безатилган насх хатида кўчирилган. Айтиш керакки, қўлёзма катта-катта ҳарфлар билан аниқ ва жуда чиройли ёзувда, ҳусни хат билан кўчирилган ҳамда мукаммал, яхши ҳолатда сақланган. Шунингдек,

матн атрофи ва қаторлар оралиғи изоҳлар билан бойитилган. Ҳар саҳифада ёзувлар етти қатор бўлиб, 268-а варақдан бошлаб тўққиз қаторга ўтилган. Манбанинг котиби ва кўчирилган санаси ҳақида малумотлар учрамади. Бироқ унинг қоғози, ёзув услубидан XVII асрга оид эканини тахмин қилиш мумкин. Манбанинг 1-а ва 1-б саҳифаларида “قطب الدين” – “Қутбиддин” ёзуви муҳр мавжуд. Қўлёзма ҳажми 19х28 см ўлчамдаги 346 варақдан иборат бўлиб, устки кўриниши замонавий услубда тамирланган[16: 346].

Асар ҳозиргача икки марта нашр этилган бўлиб, дастлаб 1307/1889 йил Истанбулнинг “Саҳофийя Усмониё” матбаъасида тошбосма нусхаси амалга оширилган, кейинчалик машкур нашр Карачи шаҳридаги “Мир Муҳаммад” матбаъасида қайта чоп қилинган[17: 392]. Асарнинг замонавий наشري эса доктор Саид Бекдош томонидан 2016 йил Мадина шаҳридаги “Дорус сирож” нашриётида амалга оширилган[18: 831].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ватандошимиз Фахрул-ислом Али Паздавийнинг “Усул ал-Паздавий” асари ёзилган даврдан бошлаб ҳозиргача усул ал-фикҳ фани бўйича бутун мусулмон оламида асосий қўлланмалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, асарда фаннинг барча масалалари ва далиллари хулосаси берилган ва мавзулар янгича қулай тартиб билан келтирилгани сабаб кейинги давр манбаларига таянч бўлиб хизмат қилди. Асарга ёзилган юзлаб шарҳ ва изоҳлардан ташқари унинг қўлёзма нусхалари ҳам дунё бўйлаб кенг тарқалган.

Асарнинг юртимиз китоб фондларида сақланаётган қўлёзма нусхалари хорижда-гилардан муаллиф даврига яқинлиги ва мукаммал, яхши ҳолатда сақланиб қолгани билан ажралиб туради. Шунингдек, улардаги ёзувларнинг аниқлиги ва ўзгача ҳусни хат билан кўчирилгани этиборга молик афзал жиҳатларидандир. “Усул ал-Паздавий” ҳозирга қадар бир маротаба 2016 нашрга этилган. Бироқ, мазкур нашрга Тошкент қўлёзма нусхалари жалб этилмагани асарнинг наشري ҳали мукаммал бўлмаганини билдиради. Юртимиз ва хорижда сақланаётган қўлёзмаларни ўзаро қиёслаб,

улардан танқидий матн таёрлаш нафақат халқимиз балки бутун мусулмон оммаси учун фойдали бўлиши шубҳасиз. Зеро, асарда ислом шариатининг назарий қоидалари ёритилган бўлиб, улар барча замонлар ва маконлар учун долзарб аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. М. Комилов. Мовароуннаҳр фикҳ илмининг ривож ва Алоуддин ас-Самарқандий. Тошкент: Истиқлол 2006. Б. 46.
2. О.Мухтаров, А.Асқаров. Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг “Васият Аби Ҳанифа” асари. – Т.: “Ҳилол нашр” нашриёти, 2019. – Б. 22.
3. Нажмиддин Насафий. Ал-қанд фи зикри уламаи Самарқанд. – ар-Риёд: Ихё ат-турос ал-арабий, 1991. – Б. 415.
4. У.Уватов. Буюк юрт алломалари. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – Б. 201.
5. Ибн Хавқал. Мовароуннаҳр //араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи т.ф.д. Ш.С.Камолиддин. – Т.: “Ўзбекистон миллий инциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2011. – Б. 220.
6. Mehmet Boynukalin. Hanefî Usûl Muhtasarlarının Gelişimi: Usûlû'l-Pezdevî ve Hanefî Usûlündeki Yeri. – İstanbul: İslâm Hukuk Araştırmaları Dergisi, 2017. – S. 489.
7. С.Ғайбуллаев. Фахрул ислом Паздвийнинг илмий мероси. – Т.: Ислом тафаккури журнали, 2020/3 сон. – Б. 54.
8. Фахриддин Аттор. Усул ал-фикҳ. – Истанбул: IFAV, 2013. – Б. 16.
9. С.Ғайбуллаев. Усул ал-Паздавий асосида ёзилган асарлар. – Самарқанд: “Имом Бухорий сабоқлари” журнали. 2021 (махсус сон). – Б. 198.
10. Котиб Чалабий Мустафо бин Абдуллоҳ. Кашфуз зунуз ан асоми-л-кутуб вал фунун. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2008. – Ж. II. – Б. 113.
11. К.Брокелман. Тарихул адаб ал-араби // араб тилига таржимон Доктор Абдулҳалим Нажжор /. – Қоҳира: Дор ал-Маъориф, 1989. – Ж. III. – Б. 289.
12. ЎзССР фанлар академиясининг шарқ кўлёмалари тўплами // А.А.Семёнов таҳрири остида/. Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1957. – Ж. IV. – Б. 187-188.
13. Фахрул-ислом Али Паздавий. Усул. Тошкент: ЎзР ФА ШИ асосий фонди, № 4739 кўлёмза. 238 б.
14. Фахрул-ислом Али Паздавий. Усул ал-Паздавий. Тошкент: ЎзР ФА ШИ асосий фонди, № 3112 кўлёмза. 291 б.
15. Фахрул-ислом Али Паздавий. Усул ал-Паздавий. Тошкент: ЎзР ФА ШИ асосий фонди, № 1397 кўлёмза. 282 б.
16. Фахрул-ислом Али Паздавий. Усул ал-Паздавий. Тошкент: ЎМИ кутубхонаси, № 677 кўлёмза. 346 б.
17. Фахрул-ислом Али ибн Муҳаммад Паздавий. Усул ал-Паздавий. – Карачи: Мир Муҳаммад матбаси, 1965. 392 б.
18. Фахрул ислом Паздавий. Усул ал-Паздавий // доктор Саид Бекдош таҳрири остида/. – Мадина: Дорус сирож, 2016. 831 б.